



Далилларни баҳолашда ҳуқуқий онг ва ички ишончнинг аҳамияти

Mallayev Normamat Ramazonovich

Ilmiy rahbar Yuridik fanlar nomzodi dotsent

Samadov Islom Ilhomovich

Abdunazarov Sardor Otayor o'g'li

Talabalar

Аннотация: Мазкур таҳлилий мақолада жиноят-протсэссуал қонунчиликда далилларни баҳолашнинг ҳуқуқий мэзонлари ёритилган. Жумладан, далилга баҳо бэришда уларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги каби асосий талаблар таҳлил қилинади. Хусусан, ички ишонч ва ҳуқуқий онгнинг аҳамияти, далилнинг қонуний манбадан олиниши, исботлашга доир қонуний тартибга қат'ий риоя этилиши зарурлиги муҳим омил сифатида кўрсатиб ўтилади. Шунингдэк, Ўзбэкистон Рэспубликаси Олий суди Плэнумининг қарорлари асосида далилларнинг мақбуллик даражасини аниқлашда э'тибор қаратилиши лозим бўлган мэзонлар баён этилади. Таҳлиллар орқали протсэссуал нормаларнинг тўғ'ри қўлланиши адолатли судловни та'минлашда ҳал қилувчи омил экани асослаб бэрилган.

Калит сўзлар: далил, исботлаш, жиноят-протсэссуал қонунчилик, баҳолаш мэзонлари, ички ишонч, ҳуқуқий онг, мақбуллик, алоқадорлик, ишонччилик, Олий суд Плэнуми, протсэссуал нормалар, қонунийлик.

Ўзбекистон Рэспубликаси жиноят процессуал кодексининг 95-моддасида шундай дейилган: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча



ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал вилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тақдирда тўпланган ва ушбу кодекснинг 88,90,92-94-моддаларида назарда тutilган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироқ этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши лозим бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, улар жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.¹

Шархланаётган модда исбот қилиш жараёнининг сўнги элементи далилларга баҳо беришнинг процессуал тартибини белгилаб беради. Исбот қилиш жараёнида айнан далилларга баҳо беришни фақатгина жиноят иши юритуви учун масъул бўлган мансабдор шахслар -суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд амалга оширади. Яъни ҳимоя тарафи, шу жумладан, ҳимоячи ёки судланувчининг вакили далилларга баҳо бериш жараёнида қатнашмайди ва бу табиий, чунки ушбу жараён бевосита жиноят иши юритуви учун масъул бўлган мансабдор шахслар фаолияти билан боғлиқ.

¹Джатиев В.С. Общая методология и современные проблемы обвинения и защиты уголовным делом



Далилларга баҳо бериш мураккаб жараён бўлиб, конун чиқарувчи уни амалга оширишда бир катор мезонларни кўзда тутати. Хусусан, Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларга баҳо беришда:

- 1) ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда;
- 2) қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб;
- 3) ўзларининг ички ишончлари бўйича ҳаракат қиладилар.

Ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиш деганда, тўпланган ва текширилган далилларни диққат билан, бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмай, атрофлича ҳамда айблов ёки ҳимоя томонига ён босмаган ҳолда кўриб чиқишлари тушунилади.

Қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб деганда, жиноят иши юритувига оид моддий ва процессуал қонунчилик талабларига қатъий риоя этган ҳолда ҳуқуқий онгга амал қилиб, яъни қонун ва ҳуқуқий ҳурмат қилган ҳолда ҳаракат қилиш тушунилади.

Ўзларининг ички ишончлари бўйича баҳолаш деганда, баҳолаш мураккаб ички туйғуларга асосланган ҳиссий жараён бўлганини ҳисобга олган ҳолда, далилларга берилаётган баҳо жиноят ишини юритиш жараёнида тўпланган далилларни ўрганишдан, уларни текширишдан, бу борада барча тарафларнинг фикр ва мулоҳазаларини тинглашдан ҳосил бўладиган объектив ички ишонч бўйича баҳолаш тушунилади. Тўғри, гарчанд, ички ишонч бўйича баҳолаш диспозитив аҳамиятга эга ҳолатни ифодаласада, жиноят иши юритуви бўйича масъул мансабдор шахслар ички ишончини рўқач қилиб, далилларни рад қилишлари ёки асослантирилмаган ҳолда айблашлари мумкин эмас. Ҳар қандай ички ишонч тўпланган ва текширилган далиллардан келиб чиқиб ҳосил бўлиши лозим.²

²Джатиёв В.С. Общая методология и современные проблемы обвинения и защиты уголовным делом



Мазкур моддада яна далилларни баҳолашнинг уч хил мезони белгилаб берилган, унга мувофик, ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, макбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Шархланаётган модданинг иккинчи-тўртинчи қисмлари айнан ушбу мезонларни батафсил очиб беришга қаратилган. Унга кўра, ишга алоқадор далиллар деганда, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқдовчи, рад эгувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган далиллар тушунилади. Ишончли далиллар деганда эса текширув натижасида ҳақиқатга мувофик эканлиги аниқданган далиллар тушунилади.

Шархланаётган модданинг учинчи қисмида далиллар макбуллигига қўйилган талаблар кўзда тутилган. Унга кўра, макбул далил деганда, белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофик бўлган далиллар тушунилади.

Белгиланган тартибда тўпланган далиллар деганда, далилларнинг ЖПКнинг 87-моддасида кўзда тутилган тергов ҳаракатлари ёрдамида тўпланганлиги тушунилади. Ушбу моддада далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумои килинувчини, айблапувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўрок килиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация килиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; такдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул килиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланиши кўзда тутилган. ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофик бўлган далиллар деганда, ЖПКнинг 88-моддасидаги исбот килиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, 90-



моддасидаги далилларни баённомада кайд этиш, 92-94-моддаларидаги далилларни кайд этишнинг тўғрилигини тасдиқдаш, баённомага имзо чекишдан бош торгиш ёки имзо чека олмаслик ҳолларини тасдиқдаш, шунингдек, далилларни текшириш каби талабларга мос равишда процессуал жихатдан расмийлаштирилган далиллар тушунилади.³

Исбот қилиш жараёнида далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим ўрин тутди. Бу борада Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 12-сон Қарори қабул қилинган бўлиб унда далиллар мақбуллиги борасида муҳим қоидалар белгиланган. Хусусан, унинг 2-бандида далиллар мақбуллигининг тўртта асосий шартлари белгиланган:

- 1) далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;
- 2) фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;
- 3) далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;
- 4) далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт. Далиллар мақбуллигига тааллуқли санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади.

Юқоридаги Олий суд Пленуми қарорида, шунингдек, далилларни номақбул деб топишнинг қуйидагича тўртта асоси кўзда тутилган:

³ Жиноят процессуал ҳуқуқи дарслик Т 2012



- 1) далил суриштирувчи томонидан суриштирув тамом бўлганидан сўнг, терговчи, прокурорнинг ёзма топшириғисиз ўтказилган тергов ҳаракати давомида олинган бўлса, тергов ҳаракати белгиланган тартибда ишни ўз юритувига олмаган ёки тергов гуруҳи таркибига киритилмаган терговчи томонидан ўтказилган бўлса, тергов ҳаракати ЖПК 76-моддасида белгиланган асосларга кўра рад этилиши шарт бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;
- 2) маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан, жиноят-процессуал қонунида белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса;
- 3) далил қонунга ҳилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда олинган бўлса, жумладан:
 - а) прокурорнинг санкцияси олиниши шарт бўлган ҳолларда тергов ҳаракатининг санкция олинмасдан ўтказилиши (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно);
 - б) тергов ҳаракатида ҳолис сифатида иш бўйича манфаатдор шахсининг, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ҳодимлари ёки уларга жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахсларнинг иштироки;
 - в) кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқрорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, кадр-қиммати камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга ҳилоф бошқа йўллар орқали олиниши;
 - г) эксперт ҳулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқдари бузилган ҳолда, шунингдек, эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолда олиниши;
 - д) ҳимоячининг, иштироки шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан кўрсатув олиниши;



е) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи яқин қариндошларининг ЖПК 116-моддаси талабларига ҳилоф равишда ўз розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши;

4) далилларни қайд этишнинг процессуал формаси бузилган бўлса: тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга оид маълумотлар йўқлиги; тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилмаганлиги; тергов ва суд бошланган ва тугалланган вақтнинг кўрсатилмаганлиги; ЖПК 90-93-моддаларида назарда тутилган бошқа талабларнинг бажарилмаганлиги.

Жиноят-процессуал қонуни талаблари бузилган тарзда олинган бошқа ҳолларда ҳам далиллар номақбул деб топилиши мумкин.

Тўплаш пайтида йўл қўйилган қонун бузилиши сабабли номақбул деб топилган айрим далиллардан исбот қилишда тегишли процессуал ҳаракатлар белгиланган талабларга амал қилган ҳолда ўтказилгандан сўнг фойдаланилиши мумкин (масалан, тергов ёки суд ҳаракати ўтказиш баённомаларида айрим маълумотлар ёки бандларнинг йўқлиги, башарти бу камчиликни ҳолислар, ушбу ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларини, зарур ҳолларда эса терговчини сўроқ қилиш орқали бартараф қилиш имконияти бўлса).

Шу билан бирга, номақбул деб топилган айрим далилларни уларнинг юридик табиатига кўра тиклашнинг имконияти йўқ (масалан, қонунга мувофиқ розилиги олинмиши шарт бўлган ҳолларда жабрланувчини, гувоҳни унинг розилигини олмай туриб такроран сўроқ қилиш, шахсни ёки нарсани таниб олиш учун такроран кўрсатиш ва х,-к.). Бу эса исбот қилувчи субъектни муайян ҳолатни тасдиқловчи восита сифатида мазкур далилга таяниш ҳуқуқидан маҳрум этади.⁴

⁴ Чельцов М.А. Уголовный процесс



Иш бўйича ҳар қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан, айблов ҳулосасива ҳукмда номақбул далилларга асосланиш мумкин эмас. Номақбул деб топилган далилларни тиклашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда суд ишни қўшимча терговюритиш учун қайтармасдан, тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда ишни мазмунан ҳал этиши керак.

Қонун бузилиши оқибатида олинган далил суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан номақбул деб топилиши мумкин.

Далилни номақбул деб топиш масаласи гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг химоячиси ёки қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар томонидан қўйилиши мумкин.

Суд далилни номақбул деб топганда, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатади.

Ишни мазмунан кўриш пайтида ҳар бир инстанция суди, тарафларнинг илтимосномаси билан чиқарилган далилни мақбул деб топиш тўғрисидаги масалани қайта муҳокама этиши мумкин.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 2-сон Қарорининг 5, 6-бандларига мувофиқ, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-қўстлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкин.

Судланувчининг айблорлиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги суднинг ҳулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган ҳолла кўрсатилиши лозим.

Ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатлари фаш қиладиган, оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини очиқ ташлаши ва тегишли баҳо бериши лозим.



Бир нечта судланувчиларга тегишли иш бўйича ёки судланувчи бир нечта жинойтларни содир қилганликда айбланаётган иш бўйича, суд ҳукмда ҳар бир судланганга нисбатан ҳар бир айблов бўйича далиллар келтириши ва текшириши ҳамдхулоса қилиши зарур.⁵

Қонунга зид равишда олинган барча далиллар юридик кучга эга бўлмасдан ҳукмга асос қилиб олиниши мумкин эмаслиги судларга тушунтирилсин. Қонунга зид равишда олинган далилларга тергов олиб боришнинг ноқонуний, рухий ва жисмоний куч ишлатиш усуллари қўллаб олинган далиллар, шунингдек, жинойт-процессуал қонун бошка нормаларининг бузилиши (масалан, ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши) натижасида олинган далиллар киради. Далил қонунга зид равишда олинган деб топилган тақдирда, суд ишдаги далиллар йиғиндисидан уни чиқариш тўғрисидаги ўзининг қарорини, қонуннинг бузилиши нимадан иборат эканлигини кўрсатган ҳолда асослантириши лозим.

Далилни қонунга зид равишда олинган деб баҳолашда суд далилнинг ҳаққонийлиги ва ҳолислиги тўғрисидаги ҳар қандай шубҳа, агар уни бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлигидан келиб чиқиши керак. Ишда тўпланган далилларнинг етарли эмаслиги, далиллар қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар далил сифатида танилмаганлиги ёки қўйилган айбловда судланувчининг айбдорлиги тўғрисидаги шубҳани бартараф қилишнинг имкони йўқлиги ҳақидаги суднинг асослантирилган ҳулосаси оқлов ҳукми чиқариш учун асос бўлади.⁶

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 17-сон қарорига биноан, судлар иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар албатта синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва

⁵ Александров Н.Г. теория государства и права М; 1968

⁶ Элькин П.С. Толкование и применение норм уголовно-процессуального права М; 1967 С 27



ҳолисона текширилиши зарурлиги ҳақидаги қонун талабларига оғишмай риоя этишлари, айбланувчини нафақат фош этадиган, балки оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларни ҳам аниклашлари шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниклаш учун фақат Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган далиллардангина фойдаланиш мумкин. Процессуал қонун талаблари бузилган ҳолда тўпланган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас.

Қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш, алдаш ҳамда инсонга нисбатан бошқача шафқатсиз ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, қонунга ҳилоф бошқа чоралар қўллаш, шу жумладан, гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини бузиш натижасида олинган далиллар айблов асосига қўйилиши мумкин эмас.

Суриштирувчи, терговчи, суд (судья) қамок жойларидан келтирилган шахсдан ҳар доим суриштирув, тергов ҳаракатлари ўтказилган пайтда унга нисбатан қандай муносабатда бўлишганлиги ҳамда сақлаш шароити тўғрисида сўрашлари шарт. Суриштирувчининг ёки терговнинг қийноққа солиш ёхуд қонунга ҳилоф бошқа усуллари қўлланилганлиги тўғрисидаги ҳар бир мурожаат факти бўйича арз қилинган вазларини синчиклаб текшириш, шу жумладан, тиббий гувоҳлантириш ўтказиш орқали синчиклаб текширишлари ва натижасига қараб, тегишли мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши кўзғатишга қадар процессуал ёки бошқа ҳуқуқий чоралар қўришлари шарт.⁷

Тергов ҳаракатларини юритиш тартиби ва шартларининг бузилиши прокурор ва суд томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан рухий таъсир ўтказиш

⁷Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари Б.Миренский; А.Асамутдинов; Ж.Камалходжаев



деб баҳоланиши мумкин. Бундай таъсир остида тўпланган маълумотлар далил кучига эга бўлмайди ва улар айблов ҳукми учун асос қилиб олиниши мумкин эмас.

Шархланаётган модданинг бешинчи қисми ишни ҳал қилиш учун далилларга қўйилган талабни белгилайди. Унга мувофик, исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар жами тўпланиши далиллар етарлилигини тасдиқдайди.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги "Рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 23-сон Карори 10-бандининг иккинчи хатбошига кўра, суд эксперт-психиатрнинг фикрини инобатта олган ҳолда, суд мажлисига унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласи қўйилган шахсни (у жабрланувчи ёки гувоҳлар томонидан таниб олиниши учун, суд-психиатрия экспертизаси хулосаси тўғрилиги юзасидан шубҳа туғилган ҳолда ва х.,к.) чакириши мумкин. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ЖПК 95-моддасига кўра, бундай шахснинг кўрсатувлари иш бўйича далил манбаи сифатида тан олиниши мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2018- йил
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал Кодекси. – “Адолат”, 2018 - йил
4. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ



ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 23.05.2019 йилда қабул қилинган ЎРҚ 542-сонли қонун

5. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари. К.25-Тошкент Адолат, 2001.-480-бет

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарори 2018 йил 24 август

7. 2019 йил 14 январда қабул қилинган “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун

8. Жиноят процесси иштирокчилари Р.П.Останова Ўқув қўлланма Т : 2012

9. Одил судловга кўмаклашувчи шахслар Умархонов Ўқув қўлланма Т 2012

10. Жиноят процесси иштирокчилари Сайдов, Умархонов Ўқув қўлланма Т 2012

11. Астанова Л.И. Жиноят ишини юритишга маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар – Т: Шарқ, 1997.

12. Жиноят ишларини тергов қилишда жамоатчиликни жалб қилиш ва жамоатчилик вакиларининг ҳавфсизлигини таъминлаш К.Мирзажонов Ўқув қўлланма Т : 2012

13. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳ

14. Жиноят процесси иштирокчилари бўлган жамоатчилик вакиллари ва уларнинг процессуал мақоми. Э.Х.Қодиров Ўқув қўлланма Т : 2014

15. М.Х.Рустамбаев Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси 1ЖИЛД. Т.; «ТДЮИ» нашриёти 2009. 353-б

16. Е.Н. Никифорова, Жиноят процесси (умумий қисм)-Т.: Адолат, 2007.57-б

17. Иноғомжонова З.Ф Жиноят процесси. (махсус қисм)-Т.:ТДЮИ, 2008.

18. Хидоятлов Б.Б.Жиноят процесси. (махсус қисм)-Т.:ТДЮИ, 2008.5-б

19. Хидоятлов Б.Б. Жиноят процесси: махсус қисм.-Т.: ТДЮИ , 2008.21-б